

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Хорижий тиллар факультети

Инглиз тили фонетикаси ва лексикаси кафедраси

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШ

Мавзу: Ирониянинг нутқ беагаи сифатида матнда
бажарадиган вазифалари.

Бажарди: Деҳқонова Дилфуза 414-гуруҳ

Илмий раҳбар: Дилдора Зокирова

Андижон – 2012

МУНДАРИЖА

Кириш.....	2-5
I боб Ифода воситалари ҳақида умумий маълумот.....	6-9
1.1. Лексик стилистик воситалар.....	10-14
1.2. Истиора-лексик стилистик восита сифатида.....	15-18
1.3. Метафора ҳақида умумий маълумот.....	18-22
II боб Ирония лексик стилистик восита сифатида.....	23-33
2.1. Ирониянинг нутқ беағзи сифатида матнда ишлатилиши.....	34-43
Хулоса.....	44-47
Методологик тавсия.....	48-49
Интернет маълумотлари.....	50-58
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	59-60

К И Р И Ш

“Келажакда Ўзбекистон юксак даражада тараққий этган иқтисоди билангина эмас, балки билимдон маънавий жихатдан етук фарзандлари билан ҳам жаҳонни қойил қилиши лозим.”

И.А. Каримов.

Мустақилликка эришганимиздан сўнг хорижий тиллар мутахассисларига бўлган эҳтиёж кун сайин ортиб бормоқда. Бу табиий хол, чунки мамлакатимиз жаҳоннинг тараққий этган мамлакатлари қаторидан ўрин олмоқда. Сиёсий, иқтисодий, харбий ва дипломатик алоқалар ўрнатилмоқда. Бундай алоқалар воситачиси албатта хорижий тил мутахассислари таржимонлар ҳисобланади. Қувонарли холлардан бири кўплаб элчихоналарда консулликларида қилинаётганларнинг ҳаммаси ҳозирги ёш авлоддир. Шунинг учун ҳам мухтарам президентимиз И.А.Каримов ўз нутқида айтганларидек: ҳозирги кунда энг долзарб вазифамиз – жамиятимиз аъзоларини авваламбор вояга етиб келаятган ёш авлодни камол топтириш. Уларнинг қалбида миллий мафкура, ўз Ватанинг меҳр-муҳаббат туйғуларини уйғотиш, ўзликни англаш, миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялаш нечоғлик катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаб ўтдилар¹. Чунки мамлакатимиз ёшларини тарбияси бугунги кун тарбиясига боғлиқдир. Ёшларимиз давлатимизнинг тинмай юксалиши, хар тарафлама раванқ топиши, ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий жихатдан беқиёс ривожланишида фаол иштирок этмоқда.

Мамлакатимизнинг ижтимоий, иқтисодий, маданий ва сиёсий тараққиёти қанчалар илгарилаб борса навқирон авлодни тарбиялашга бўлган эҳтиёж, зарурат ҳам шунчалик ортиб кучайиб кенгайиб боради. Барчамизга маълумки биз истиқомад қилаётган ўлка тарихда ўз олимлари, уламулари, шоир-мутафаккирлари билам ном қозонган. Чунки илм-фан, маданият ва маърифат хар қандай мамлакат миллат ва халқни юксакликка кўтаради, унинг тараққиётини таъминлайди, келажакни олдиндан кўрсатиб беради.

Шунинг учун бўлса керак, бизнинг аждодларимиз Абу наср Форобий, Ахмад Фарғоний, Абу Али Ибн Сино, Амир Темур, Улуғбек, Алишер Навоий, Захириддин Муҳаммад Бобур, Абдулла Авлоний, Фитрат, Аваз Ўтар ҳам илм олишга, илм эгаллашга, олимларни эъзозлашга даъват этганлар.

Шунинг учун мухтарам президентимиз Ислам Каримов томонидан ёш авлод тарбияси, уларнинг дунёвий билимларини чуқур эгаллашлари масаласига алоҳида эътибор

¹ И.А Каримов Боркамол авлод орзуси. Т. 2008

бериш зарур эканлигини таъкидлаганлар. Шу кўтарилган масала юзасидан йигит-қизларнинг жаҳон андозалари талаблари даражасида илғор билимлар асосида тахсил олишлари баркамол инсон ва маънавияти юксак мутахассислар бўлиб етишишларига моддий ва маънавий хомийлик кўрсатиб келинмоқда. Юқоридаги фикрлардан келиб чиқадиган бўлсак юртбошимиз куйиб таъкидлаган ушбу фикрлари айтилган ҳақиқат эканлигини ҳозирги иқтисодий инқироз бутун жаҳонни ўз домига тортаётган вақтда яққол намоён бўлади.²

Чунки президентимиз ўз донолиги билан бу каби ҳодисаларни олдиндан кўра билишни яна бир бор исботладилар. Шунингдек бу воқеа-ҳодисалардан чиқиш йўллари хам айтиб ўтдилар.

Юртбошимиз ўз нутқларида шу ҳақида бир неча фикрларни билдирдилар. Илм ва маърифат орқали юртимизни буюк, иқтисодий барқарор давлатга айлантириш мумкинлига ҳақида фикр юритиб, жумладан шундай дейдилар: “Ақл заковатли, юксак маънавиятли кишиларни тарбиялай олсаккина олдимизга қўйган мақсадларга эриша оламиз, юртимизнинг фаровонлиги ва тараққиёти қарор топади.” Шунга жавобан биз ёшлар халқимиз, президентимиз қолаверса аجدодларимиз олдидаги бурчимизни фақат юксак маънавият ва илмимиз билан оқлай олишимиз мумкин.

Шу маънода биз битирувчилар ҳам ўзларимизнинг илк илмий ишимиз – битирув малакавий ишимизни ёзишга киришдик.

Ушбу битирув малакавий ишнинг объекти: Ирониянинг нутқ беағи сифатида матнда бажарадиган вазифалари.

Ишнинг предмети: Ирониянинг лексик стилистик восита сифатида матнда ишлатилиши.

Изланишнинг долзарблиги: изланишнинг долзарблиги шундаки, мавзу қиёсий типологик нуқтаи назардан ўрганилади, мавзунинг методик жиҳатлари ёритилади.

Изланишнинг методи: изланишнинг методи қиёсий-типологик метод, бевосита иштирокчиларга ажратиш методи, ҳамда стилистик методлардан фойдаланган ҳолда турли тизимдаги тилларда тутган ўрнини аниқлаш.

Изланишнинг аниқ вазифаси: изланишнинг аниқ вазифаси қилиб қуйидагиларни кўрсатиш мумкин: биринчидан, турли тизимли тилларда иронияни лексик стилистик восита сифатида ўрганиш, иккинчидан, инглиз ва ўзбек тилларида ирониянинг нутқ беағи сифатида матнда қўлланилиши мавзунинг методик томонларини бойитиш.

ИЗЛАНИШ УЧУН МАТЕРИАЛЛАР:

² Каримов И.А., Баркамол авлод орзуси, Тошкент, 1999й.

Изланиш учун кўплаб мисоллар hozirга замон инглиз ва ўзбек тилларидаги илмий, бадиий адабиётлардан, интернет янгиликларидан олинади.

Изланишнинг тузилиши:

Изланиш асосан кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Изланишнинг умумий мазмуни:

Ушбу битирув малакавий ишимнинг кириш қисмини хурматли президентимиз И.А.Каримовнинг бугунги кун ёшлари, яъни бизларга бўлган юксак муносабати, ёш авлодни ҳар томонлама камол топиши йўлида қилаётган ғамхўрликлари, шу жумладан таълим соҳасидаги туб ислохотлар ҳақида фикр юритдик.

Мавзунинг долзарблиги унинг предмети, объекти, назарий ва амалий қиймати, изланиш методлари ва бошқалар ишнинг кириш қисмида ўз аксини топган.

Ишнинг биринчи бобида лексик стилистик воситалар ҳақида умумий маълумотлар бериб ўтдик. Стилистика тилшуносликнинг ажралмас қисми бўлиб, у бадиий нутқнинг ифодаланиш услублари, уларнинг таъсирчанлиги ва умуман инсон нутқини ўрганадиган фандир. Тилшуносликда ифода ва услубий восита атамалари мавжуд. Нутқни эмоционал ёки мантиқан кучайтиришга хизмат қиладиган фонетик, морфологик, синтактик ва сўз яговчи қўшимчалар тилнинг ифода воситалари ҳисобланади.

Изланишнинг иккинчи бобида инглиз ва ўзбек тилларида ирония лексик стилистик восита сифатида таҳлил қилинади ҳар икки тилда ҳам бадиий адабиётлардан мисоллар келтирилади.

Ишнинг учинчи боби ирониянинг нутқ беага сифатида матнда ишлатилиши бўлиб, насрий ва назмий тил мураккаб, серқирра, сержило, ўзига хос нутқдир. Киноя бўлиб келган сўз ёхуд сўзлар бирикмасининг асил маъносига эмас, кўчма — яширин маъносига эътибор берилади.

Изланишнинг хулоса қисми барча олиб борилган илмий изланишлар бўйича фикр мулохазаларни ўз ичига олади. Мавзуни атрофлича, тўлиқ ёритиб бериш мақсадиди илмий раҳбарим кўмаги билан ишнинг мундарижа режасини тузиб чиқдик. Барча устозларимга, жумладан, профессор С.Р.Рахимовга, профессор Ғ.М.Хошимовга, доцент Ш.С.Алимовга, илмий раҳбаримга ўз миннатдорчилигимни билдираман.

Стилистика тилшуносликнинг ажралмас қисми бўлиб, у бадиий нутқнинг ифодаланиш услублари, уларнинг таъсирчанлиги ва умуман инсон нутқини ўрганадиган фандир. Тилшуносликда ифода ва услубий восита атамалари мавжуд. Нутқни эмоционал ёки мантиқан кучайтиришга хизмат қиладиган фонетик, морфологик, синтактик ва сўз ясовчи қўшимчалар тилнинг ифода воситалари ҳисобланади.

Фонетик ифода воситалари оҳанг, эмфатик урғу ва шу кабилар. Бадиий адабиётда ифодалиликни таъминлаш, асар оҳангдорлигини ошириш мақсадида товушларни алмаштириб қўллаш ҳам кенг учрайди: қора-қара, ора-аро, баравар-баробар, шакар-шаккар. маза-мазза кабилар. Бундай фонетик воситалар шеъриятга хос бўлиб, айниқса ғазал жанрида кенг қўлланади.

Морфологик ифода воситаларига эркалаш — кичрайтириш маъносидаги от ясовчи қўшимчалар киради: *онажон, болагинам, қўзичоқ, кенжасой, тойчоқ, қизча, йигитча, Аҳмаджон Раҳимжан* кабилар.

Бундай грамматик воситалар фақатгина эркалаш — кичрайтириш маъноларинигина ифодалаб қолмай, баъзан кесатик, киноя маънолари ҳам ифойдалайди: *хотичангиз, опачангиз, акажонингиз* кабилар.

Лексик ифода воситаларига қуйидагиларни киритиш мумкин: эмоқонал маъноли сўзлар, кўп маъноли сўзлар, слэнг, турли хил ундов сўзлар ва бошқалар. Сўзлар бир вақтнинг ўзида ҳам асосий ҳам кўчма маъноларда қўлланилганда гапнинг таъсирчанлик кучи ортади, бу ҳолатни асосан худди шу маъноларни эркин воситалар билан ифодаланганда кўриш мумкин. Масалан ўзбек тилида:

Сув юз градус иссиқликда қайнайди; гап қайнайди. Устарани қайрамоқ. Икки ёшни бир-бирига қайрамоқ. Пичоқ. қайрамоқ. Шамол кучайган сари деигиз чайқалар, қайнар, кўпирар. *Оқ сой қирғоқларидан ошиб-тошарди* (Саид Аҳмад.).

Далаларда иш қайнайди; кимлар пахта теради, кимлар беда ўради, кимлар шудгор қилади (М.И.).

Вильсон Бухоро амирини ҳам советлар Туркистокига қайраб солиш учун ҳаракат қилмоқда (К.Я.).

Мақол, матал ва бошқа барқарор сўз бирикмалари лексик ифода воситалари ҳисобланади. Улар ихчам, одатда қофиядош бўлиб, ритм, аллитерақия ассонанс каби фоностилистик усулларга асосланган бўлади. Маталлар ва бошқа ҳар хил барқарор сўз бирикмалари ҳақида ҳам шуни айтиш мумкин. Тилнинг бу воситалари ўзида "бетараф" ифодалаш воситаларига қарши қўйилган. Уларнинг асосий қисми дидактик бўлади. ўзбек тилидаги мақол ва маталларга қуйидагилар мисол бўла олади:

Оти борнинг қаноти бор.

Синч уйим — тинч уйим.

Яхши билсанг ишингни, эл силайди бошингни.

Кари билганни пари билмайди.

Тилга эътибор — элга этибор.

Сен тинч — кўшнинг тинч.

Тилдаги барча ифода воситалари фонетика, лексикология, грамматика соҳаларнинг ўрганиш мавзуси ҳисобланади. Бу соҳалар ифода воситаларини тил факти сифатида кўриб чиқади ва уларнинг лисоний хусусиятини очиб беради.

Стилистика эса ифода воситаларини уланинг ҳар хил нутқ услубларида қўлланилиши услубий восита сифатида услублар аро хосланиши нуқтаи назардан ўрганади.

Тил бирликларнинг услублараро хосланиб қолиши шу услубларнинг ўзига хос хусусиятларини, улардаги умумлашиб қолган тил бирликларини белгилайди..

"Шербек тоғ йўлига тушиб олганида, арра тишли Қашқатовнинг устида пўлатдай эриб-балқиб, атрофига учкунлар сачратиб, қуёш кўринди. (С.А.)

"Саломат опа ўттиз ёшлардаги сарвқомат, келишган жувон бўлиб, нозик, нафис чехраси сўзик, қаламқош, бодомқовоқ лаблари писта пучоқ кўзлари чарос янглиғ тим қора зди (И. Р.).

Бу гаплардаги *арра тишли, пўлатдай, бодомқовоқ, лаблари писта пўчоқ, кўзлари чарос янглиғ тим қара* — тилдаги стилистик ифодалаш воситаларидан фойдаланишга ёрқин мисол бўла олади.

Сентенция (ҳикматлар) деб аталадиган стилистик усулнинг моҳияти шундаки, унда айрим жиҳатларига кўра халқ, мақолларининг хусусиятларида яқинлик кузатилади. Сентенция (ҳикматлар) — мақоллар, маталлар каби ритмга, қофия ва баъзан аллитерақияга зга. Сентенция (ҳикматлар)да ҳам ихчам ҳолатда умумлашган фикрларни лўнда ва таъсирли ифодалаш ху-сусиятлари мавжуд:

Ўзинг ташна бўлсанг, оби жўй етар,

Кўзин ташна бўлса, обрўй кетар.

(А.Х. Дехлавий.)

Айтур сўзини айт, айтмас сўзидан қайт.

(А. Навоий.)

Бу сентенциялар (ҳикматлар) ўз шакл ва хусусиятига кўра, халқ. мақолини эслатади, лекин булар маълум шахслар томонидан яратилган. Шундай қилиб, ҳикматлар умумийлик билан индивидуаллик сингари нисбатдадир. Ушбу

индивидуаллик умумийликка асосланган бўлиб, умумийликнинг ўзига ҳос хусусиятларини олади ва шу асосда маълум бир стилистик усул ҳосил қилади.

Муайян шаклини эгаллаган стилистик усул ва лисоний услубий мақсадларда фойдаланилган ҳодисаларни фарқлай олиш лозим. Тил воситаларидан ҳар қандай услубий фойдаланиш ҳам стилистик усулни вужудга келтиравермайди.

Масалан, такрор халқ шеъриятида халқ жонли тилининг ифодалаш воситаси ҳисобланади:

*"Олтин эдим, чўян бўлдим,
Доно эдим, сомон бўлдим,
Қиммат эдим, арзон бўлдим,
Ғамга қолган, равшан бўлдим".*

Ёки эллипсни олсак, у жонли оғзаки нутқда қонуний ҳодиса саналади, аммо бошқа муҳитга, нутқнинг адабий-китобий ёзма шаклига кўчирилгач, таъсирчан воситага айланади. Бу энди гап бўлакларидан бирининг йўқлиги эмас, балки атайлаб тушириб қолдирилишидир. Бу усул ёзма нутқда ўзига ҳос шаклга келтирилган бўлиб, нутқнинг ихчам шаклдаги ифода воситасидир.

Стилистик усуллар ҳақида гапирар эканмиз, биз ҳар қандай стилистик усулнинг таъсири ва кучи турлича бўлишини унутмаслигимиз керак. Баъзан бир усул эмоционал жиҳатдан кучли, баъзан кучсиз бўлиши мумкин. Шунга кўра биз барча стилистик усулларни икки катта гуруҳга бўламиз: эскирган, сийқа (trite) стилистик усуллар ва ёрқин, жонли стилистик усуллар (genuine). Масалан, биричи гуруҳга қуйидагилар киради: булоқнинг кўзи, тоғнинг ён бағри, қайрилма қош, тулки (айёр одам), куён (кўрқоқ одам), оқ олтин, зангори экран, пўлат тулпор, зангори кема, коинот гули. Иккинчи гуруҳга: ўйчан оқшомлар, ернинг оппоқ кўрпаси, саксовулдек юзлар кабилар киради.

Кўпинча, айниқса бадиий наср услубида, бир неча стилистик усул ўз вазифаларини бир гапда (иборада) ифодалайди, яъни бир гапда бир неча стилистик усул биргалашиб келади. Стилистик усулларнинг бундай биргалашиб келиши *конвергенция* деб аталади. (М.Рифаттер.) Бунда ҳар бир стилистик усул ўз ифодалилиги билан бошқа бир стилистик усулга таъсир этади.³

Муштипар опаларнимиз, фидойи янга ва сингилларимиз тирикликнинг туганмас юмушлари деб ўн беш-йигирма ёшларидаёқ "Қуш уйқу", ўттиз ёшларида эса ўтин бўлиб

³ Бобохонова Л.Т. "Инглиз тили стилистикаси" Тошкент 1995.

қолмоқдалар... ("Саодат" ойномасидан.) Бу мисолдаги *муштинар, Фидойи, юмуш, қуш уйқу, ўтин* сўзлари ана шу тарзда қўллангандир.

1.1. Лексик стилистик воситалар

Кўпгина стилистик усуллар лексик маънолардан фойдаланишга асосланган. Сўзлар шакл ва мазмун йиғиндисидан иборат бўлиб, улар тушунчани ифодалайдилар. Сўзларнинг маънолари ҳар хил бўлиши мумкин. Қандай маъно турлар мавжуд? Бу масала юзасидан олимлар умумий фикрга эга эмаслар. баъзилари маънони нарса ва тушунча ўртасидаги муносабат десалар (Ф. де Соссюр), бошқалари маъно — бу сўз қўлланилган вазиятдир, деб билдилар (Блумфильд).

Рус тилшунослари лексик маъно деб маълум бир тил тизими ёрдамида тушунчаларнинг ифодаланишини тушунадилар (И.В. Арнольд).

Сўз маъноси ўрганилар экан сўзнинг семантик тузилиши деган тушунчага ҳам дуч келамиз.

Сўзнинг семантик тузилши маълум бир тушунчани ифодаловчи асосий маънодан ҳамда тушунчаларнинг бошқа қирраларини ифодаловчи нозик маънолардан, қўшимча ёки кўчма маънолар ва улардан ташқари коннотатив (устама) маънолардан — экспрессивликни ифода этувчи маънолардан ташқил топали.

Сўз кўп маъноли полисемантик бўлиши маълум. Унинг маънолари қуйидагича бўлади:

1. Асосий — мантиқий маъно.

2. Қўшимча маъно.

3. Номланган маъно ёки атама маъно. Ҳар бир лексик маъно турларини алоҳида кўриб чиқамиз.

Сўзнинг асосий мантиқий маъноси — бу нарса ёки ҳодиса ҳақидаги умумий тушунчанинг сўз орқали ифодаланишидир. Яъни ушбу нарсанинг бир белгиси тарихий шарт-шароитда ривожлана бориб, мазмунан бутун тушунчанинг намояндаси бўлиб қолган. Тилшуносликка оид адабиётларда маъвонинг бу тури *тузри, асосий номинатв, денотатив ёки референциал* маъно деб аталади. Сўзлар ривожланиш жараёнида қўшимча, ясама маъно орттириши мумкин. У ёки бу маънонинг юзага келишида асос бўладиган маъно — *асосий маъно*, унинг таъсирида {асосида} ҳосил бўлган маъно *қўшимча ҳосила маънодир*. Асосий ва ҳосила маънолар йиғиндиси сўзнинг маъновий тизимини ташқил этади.

Асосий-логик маънолар эркин ва боғлиқ, маъноларга ажралади. Буни қуйидаги сўзларнинг семантик тузилишини таҳлил қилган кўриш мумкин

Асир 1. Уруш вақтида душман қўлига тушиб, озодликдан маҳрум этилган киши (асир олмоқ).

2. Бирор кимса ёки нарсага берилиб кетган, пайдо бўлган киши, мафтун, банди, кул.

Ёруғ. 1. Ёниб қизиб турган нарсадан тарқалиб, мавжудотни кўриш учун имкон берадиган ёғдули энергия, нур (куёш ёруғи).

2. Нур, ёғду тушиб турган (ёруғ) уй.

3. Аниқ равшан ёрқин (ёруғ фикр).

Калит 1. Қулфни очиш ва беркитиш учун ишлатиладиган металл асбоб (уйнинг калити).

2. Бирор механизмни бураб юргизиш, ишга тушириш учун ишлатиладиган металл асбоб (ўйинчоқнинг калити).

3. Бирор нарсага эришиш ёки уни тушунтириш (англаш), топиш, эгаллаш йули, воситаси, имконияти (бахт калити, ғалаба калити).

Кўпгина сўзлар матнда маъно тузилишига яқин бўлмаган маъноларни ифодалаб келади. Ушбу маънолар кўчма хусусиятга эга бўлиб, улар фақат маълум матнгагина тааллуқлидир. Бундай маънолар *матний* маънолар деб аталади. Кўпгина матний маънолар кенг тарқалмайди, фақатгина шу матннинг ўзига хос бўлади.

Матний маъно сўзнинг семантик тузилишига кирмайди ва фақат матндагина мавжуд бўлади. "Мерос" сўзи илгари "марҳумдан ворисларга қолган мулк" маъносини англатган: Отадан қолган мерос. Ҳозир эса адабий мерос, маданий мерос каби маъноларни (маданий бойлик) касб этган. Худди шуни "кураш" сўзи ҳақида айтсак ҳам бўлади. "Кураш" сўзи миллий кураш, спорт маъносида ишлатилган бўлса (йиқитиш, ғолиб чиқиш учун икки киши ўртасидага маълум коидага асосланган олишув, ўзаро беллашув). Ҳозир бу маънодан ташқари "интилиш, тиришиш" маъносида қўлланилади.

Масалан: *синфий кураш, тарихий кураш, иқтисоди кураш, сиёсий кураш, зоявий кураш, мўл хосил учун кураш, тинчлик учун кураш, пахта учун кураш*. Шундай ўзгаришларни қуйидаги сўзларда ҳам кўриш мумкин: турғун, турғунлик (йиллар), қайта куриш кабилар.

Эмоционал маъно ҳар қандай бошқа маъно сингари сўзда тушунчаларни ифодалашдан ташқари ҳис-туйғу ва сезгиларни ҳам ифодалайди. Эмоционал маънолар сўзда асосий мантикий маъно билан бирга келиши мумкин. У ўзи яқка ҳолда ёки матнда учраши ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас. Булар орасида қуйидигилар бор:

1. *Ундов сўзлар — Оҳ! Иби! Вой! Парвардигор!*

2. *Қасам, онт, қарғиш сўзлар — тирранча, худо урсин! сўтак, жодугар ва бошқалар.*

3. Эмоционал маъноси кучли отлар — муҳаббат, нафрат, дўст, душман, ойимча, кўзичоқ, навқирон, мағрур, муқаддас, қувонч, даҳшат ва бошқалар.

4. Эмоционал маъноси кучяи сифатлар — ашаддий, улугвор, фахрий, фидойи ва бошқалар,

Юқоридаги сўзлар хис-ҳаяжон тушунчасини ифодалайди. Энг кучли эмоционалликни сифат орқали ифодалаш мумкин, чунки улар ундов сўзларга яқин туради.

Масалан, *кап-катта, қип-қизил, гўзал, ажойиб, улуг, буюк, кўм-кўк, ям-яшил.*

Бу сўзларни баъзан "*кучайтиргичлар*" деб атайдилар. Матний маънолар сўзларнинг эмоционал ёки асосий маъноларида ишлатилган ёки ишлатилмаганлигини билишда муҳим омил эканлигини айтиб ўтмоқ, зарур.

Ўзининг асосий-мантиқий маъносини йўқотиш майлига эга бўлган сўзларга ҳақоратли сўзлар, қарғишлар, қасамлар киради ва улардаги маъно ўрнини кучли эмоционаллик эгаллайди.

Масалан, *эшиак, ҳайвон, худо урсин, яшишамагур, жувонмарг, ер юткур...*

Номлангак маъно ёки атама маъно бир ходиса ёки нарса тушунчасини изоҳлагани ҳолда, фақат бир нарса, шахс ёки жуғрофий номни атайди, ушбу нарсани шунга ўхшаган бошқа нарсалардан фарқлайди.⁴

Масалан, *Бешёгоч, Ўрда, Қўшкўпир, Бешариқ.*

Бундай маънолар номланган маънолар деб аталади: *Ойгул, Пулат, Шухрат, Саид* сўзлари ўртасила катта фарқ бор. Баъзан сўзнинг асосий мантиқий маъноси йўқолиб, номланган (атама) маънога айланади.

Масалан, *Makepeace* — кишининг исми у, "*to make peace, Shakespear* "to shake spear" ибораларидан олинган. "*Wargrave*" сўзи "*the grave of the war*" иборасидан олинган. Шулар қаторига *Brown, Hope, Sweet* исмлари ва бошқалар киради.

Бунга тескари бўлган жараённи ҳам кўзатиш мумкин, яъни номланган (атама) маънога эга бўлган сўзлар асосий-логик маъноларни эгаллаши мумкин.

Масалан, *dunce* — *бефаросат, беакл, бефахм*. Бу *Dunce Scotus* деган одамниёғ исмидан пайдо бўлган, *boycott* сўзи капитан *Boycott* исмидан пайдо бўлган. Ҳозир бу сўзларнинг номлаган (атама) маъноси унутилиб юборилган ва этимологик жиҳатдан қайта тикланиш мумкин. Номланган (атама) маънолар, шунингдек матний ҳам бўлиши мумкин.

Маъно икки лексик маъно, яъни луғавий ва матний маъволарнинг ўзаро муносабатидан пайдо бўлади. Баъзан булар орасидаги фарқ жуда катта бўлади ва бундай

⁴ Жалолов Ж. Чет тили ўқитиш методикаси. – Т. 1996

хосила маъноларнинг қўлланишидан кутилмаган ходиса пайдо бўлади. Бу ҳолда биз стилистик усул пайдо бўлганлигини сезамиз.

Стилистик мақсадда қўлланиладиган маъноларнинг орасидаги ўзаро муносабатни қуйидаги ҳолларга бўлиш мумкин;

- 1) Сўзлар ўртасидаги ўхшашликка асосланган муносабатга кўра (Истиора);
 - 2) Тушунчалар ўртасидаги яқинликка, бир-бирига алоқадорликка асосланган муносабатга кўра (Метонимия);
 - 3) Сўзларнинг тўғри ва тескари (зид) маъносига асосланган муносабат (Киноя).
- Бу муносабатларнинг ҳар бирини алоҳида-алоҳида кўриб чиқамиз.

1.2. Истиора-лексик стилистик восита сифатида

Истиора — икки нарсанинг айрим тасодифий белгиларига, бу белгиларнинг ўхшашлигига асосланган ифодалаш усулидир. Истиора — асосий луғавий-мантиқий ва кўчма-матний маъноларининг ўзаро муносабатига асосланган стилистик усулдир.

Масалан "*тил*" сўзини олайлик. Бу сўзнинг асосий луғавий маъноси "оғиз бўшлиғида жойлашган, там-маза билиш, кишиларда эса, бундан ташқари, нутқ товушлари ҳосил қилиш учун хизмат қиладиган аъзо": *иссиқдан. итнинг тили осилган*. Кўчма маънида эса бу сўз "*асбоб-механизм*" маъносини билдиради; *соатнинг тили, кўнгирақнинг тили* ёки иккинчи кўчма маъноси тилга **ўхшаш**, учли нарса:

Шамол кучайиб оловнинг тили яна ҳам узунлашди (С.А.).

Учинчи кўчма маъноси эса: "таъсирчан, каттиқ, таъсир қиладиган, ўткир нарса" (кўпинча изғирин, совуқ ҳақида):

Қуруқ совуқ. Кеч қузнинг изғирин шамоли муздек тили билан йигит ва қизнинг юзини ялайди (Ф.М.).

Таъсирчанлик даражасига кўра истиора икки гуруҳга бўлинади : тилдаги ва нутқдаги истиоралар, бошқача қилиб айтганда, эскирган, йўқолиб бораётган истиоралар ва янги, ифодала истиоралар. Тилдаги истиораларга қуйидагилар мисол бўла олади:

ўқ ёмғири, ўлим дўли, булоқ кўзи

Нутқдаги истиораларга қуйидагилар мисол бўла олади:

Ҳадемай, уларнинг сафари қариди.

Дарё оқар, вақт оқар, умр оқар пайдар-пай.

Бошимдан каптарлардек учди мянг-минглаб хаёл.

Гуллар гўё этишар тазим.

Истиора образлиликни яратишдаги энг муҳим воситалардан биридир ва унинг асосий стилистик вазифаси шундан иборат.

Ёрқин, янги, таъсирли истиоралар бадий наср услубида қўлланилади:

Кумушининг гўзаллик таърифини гойибона эшитиб, озини суви келувчи хотинли ва хотинсиз орзумандалр "ётиб қолгунча, отиб қол!" сўзига амал қилиб, қутидорникига совчиларни турна қатор юбора бошлаган эдилар (А.К.).

Аммо, япроқлари таранг, шабадага парво қилмай кулиб турарди. (У.У.)

Кўп ишлатилувчи, одат тусига кириб қолган истиоралар эса кўпинча оммавий матбуот услубида қўлланилади:

Зангори кема, пўлат этаклар. пўлат от, оқ олтин кабилар.

"Қайта куриш энг масъулиятли босқичга кирди..." "Хўжалик ҳисоби, ижара, пудрат ҳаётига сингиб бормоқда..."

(Рўзномадан).

Бундай истиоралар фразеологияни бойитишга ёрдам беради:

Орадон сўз ўтди (келишмовчилик рўй берди);

дили (ёки юраги) *сўқилди* (дили вайрон бўлди);

сўнг сўз (бирор асар охиридага хотима, охирги сўз);

бахти чопди (бахти, омади келди);

бетга чопмоқ (рай, андиша қилмай қаттиқ, шарта гапирмоқ);

чучварани хом санамоқ (йўқ ёки амалга ошмайдиган нарсага ишонмоқ, хом ўйламоқ, хом ҳаёл қилмоқ) каби.

Баъзан улар илмий услубда қўлланганлигини қўриш мумкин. Бундай ҳолларда истиора муаллифга ўз ғоясини тушунарли ва ёрқин ифода этишга ёрдам беради.

Эскирган, кўп қўлланувчи истиораларни янгилаш мумкин. Бу асосан ушбу истиора таркибига қандайдир ёрқин, янги образ киритиш асосида амалга оширилади. Ана шундай истиоралар янгиланган истиоралар *sustained ёки prolonged metaphors* деб аталади.

Масалан: Жимжитлик бор жойда ҳаёт *сўнади*. Жимжитлик тошни ҳам, кўнгилни ҳам емиради. Тинган сувни *қурт босади*. (А.С)

Истиора ва ўхшатиш бир-бирига яқин туради деган фикрлар мавжуд. Бу унча тўғри фикр эмас, чунки истиора нарсани тавсифлайди, ўхшатиш эса, ўхшаш томонларни қиёслаб, шу билан нарса ва тушунчани ажратади. Бундан ташқари бу икки стилистик усул тилда ифодаланишининг турли шакллариغا эга. Буни биз қуйида инглиз ҳамда ўзбек тилидаги мисолларда кўриб ўтамиз.⁵

1. *He heard the engine of the taxi die out along the street (G.G.).*

⁵ Galperin I.R "Stylistics" Moscow 1973.

2. Then Moz craning his neck backwards saw two dark shapes clinging to the lower. A claw of fear contracted slowly about Mor's heart (I. M).
 3. Once at the top of the long hill which led up from Camlet station, he felt his spirits mounting (A. H.).
 4. Mrs. Master, submerged in a sea of words that she did not understand, surrendered (A. Ch.).
 5. The scene held him a prisoner, his wife's presence and her words prinned him to his chair (I. M.).
 6. ... the golden bell of her hair swung silently as she moved her head, and quivered to rest (A. H.).
 7. He paused for his face clouded immediately (Th, D.)
 8. His enormous hand could cup the back of her head in his palm (I. M.).
 9. We could hear the cheery chatter of our knives.
 10. It was a hot day. The two windows opened upon the distant murmur of London. The burning sun of July danced on the rosy and gray wafer of the Thames (J. G.).
 11. She felt a curious fear of display where the baby was concerned as if this seep and complete satisfaction might be disfigured or melted away by some public image. (S. M.).
1. Йигирма беш-ўттиз йилни мадраса тупроғини ялаб ўткаэган бир кишини... (А.К.)
 2. Ишининг тубига аллақачон тушуниб, ёшларга қарши қўзғатиши денгизда юзар эди. (А.К.)
 3. ... гижжак каби созларнинг заиф, аммо юракни қитиқлайтурган товушлари эшитилар эди. (А,К.)
 4. Дунёга бир шодлик, бир руҳ ёғади ... (А.К.,.)
 5. "ўламо жамияти, "шўраи ислом" деган муаммолар тўқилиб, миям ишиди. (А.К)
 6. Баракалик ёмғирлардан кейин яшнаб кегган барра майса ўтлар ерлар бетини секин-секир ўтиб кетган тонг шамолида хилтираб кетиб, ҳазиллашигандай бир-бирларини қучоқлайдилар. (А Қ.)
 7. Кечга томон хаводаги булутлар қуюқлашиб, юэ-қўлларини чимчиб оладиган қорасовуқ турди. (Р,Ф.)
 8. Тун ярмидам ўтканда қор тўхтаб, кўкни юллузлар қоплади, совуқ авжига минди. (Р.Ф.)
 9. У қизни унутолмаганидан, ўтган дамларни яна қайта тиклашга ожизлигидан газабга келарди. Хижрон ўти унинг юрагини ёндирар, лабларини қовжиратади (Ж.А.)
 10. Имтихонда у сайраб кетди, (Рўзномадан.)
 11. У хаёл денгизда сузиб юрарди. (Рўзномадан.)
 12. У ўз ишининг кўзини билар эди. (Рўзномадан.)

Баъзан жонли нарсаларнинг хусусиятлари жонсиз нарсаларнинг хусусиятларига кўчирилади. Бундай истиоралар *"жонлантириш"* деб аталади. Масалан, "Қаримок" сўзининг луғавий маъноси ёши ўтиб кексалик даврига ўтмоқ, кексаймоқ, қартаймоқ. Кўчма маъноси эса, эскириб, ишдан чиқмоқ, ёки оёқдан қолмоқ. Юқорида берилган гапда "қаримок" сўзи "сафар муддати тугади, сафардан қайтиш вақти келди" деган маънони билдиради. "Таъзим" сўзининг асосий луғавий маъноси, эгилиб бошни қуйи солиб ёки кўлни кўксига қўйиб салом бериш (таъзим билан қарши олмақ), кўчма маъноси, юксак ҳурмат, миннатдорчилик билдирмоқдир.

Шу ҳолатни қуйидаги мисолда ҳам кўриш мумкин. *Ҳозир Фаргона боғларида тўкин куз. Ўрикзорлар р тунини ўзгартириб бошига алов ранг қип-кизил дурра боғлаган. Тутзорлар бошида малла қалпоқ, (С.Л.).*

1.3. Метонимия хақида уммий маълумот

Метонимия — лексик маъноларнинг икки тури, яъни асосий — мантиқий ва матний маънолар орасидаги муносабат бўлиб, бу муносабат нарсалар орасида аниқ алоқаларнинг пайдо бўлишига асослангандир, бошқача қилиб айтганда, нарсалар-ҳодисалар бир бирига яқинлиги туфайли бирининг номини иккинчисига кўчирилади.

Гулдур этиб, булут тарқаб,

Ялт-юлт этиб чақмоқ чақди,

Ишчи бобо сескансанг-чи!

Шарқда қуёш чинлаб чиқди!

(Ҳамза)

Бу шеърда "шарқ" сўзи шарқ мамлакатларни ва халқларни англатади.

Демак, метонимия нарсанинг бир номини бошқа ном билан алмаштиради, метонимия асосан жуда хилма хил ҳолларда бир тушунчани бошқа бир тушунча билан алмаштириш имконини беради.

Масалан, сабабни оқибат билан, аниқликни мавҳумлик билан алмаштириш шу асода ҳам содир қилинади.

Метонимияни икки турга, яъни тилдаги метонимия ва нутқдаги метонимияга ажратиш мумкин. Нутқдаги метонимиянинг стилистик вазифасини мукамал аниқлаб олиш учун аввало тилдаги метонимияда баъзи бир мисолларни кўриб чиқамиз.

Масалан:

"Терим пайтида кўп қўл керак бўлади "

(Рўзномадан)

Тилдаги метонимия доим сийқаси чиққан, яъни ҳаммага маълум бўлиб қолган. Тилдаги метонимияга яна бир мисол

“Унинг қалами қасос ўти билан ёнарди”.

Нутқдаги метонимиялар бадий маъноли ёки тасодифии бўлади. Масалан,

Қалам ором топса, уйғонар болам.

Болам ухлаганда, қалам уйғонар.

(Г.Ж.)

Бу метонимия бадий маъноли метонимия ҳисобланади. Ме-тонимиялар тушунчалар ўртасидаги муносабатига кўра, турли хил бўлади:

1) метонимик сўзларийиғ мавҳум ҳамда аниқ тушунчалари асосида ҳосил бўлиши мумкин. Юқорида келтирилган гап шунга мисол бўла олади. Бу ерда “қалам” сўзиниғ аниқ тушунчаси (ёзув асбоб) билан мавҳум тушунчаси (ижод) ўртасидаги муносабат мутлақо аниқдир.

Аниқ ҳамда мавҳум тушунчалар ўртасидаги муносабатларни қуйидаги мисолда кўришимиз мумкин:

Иккаловимизни фикримиз қарама-қарши бўлса ҳам, сиз менга аввал *қулоқ беринг*, сўнгра бир гап бўлар (А.Қ.).

2) Нарса, ҳодиса ёки кишиларга хос хусусиятлар ўша нарсаниғ ёки кишиларниғ номига ўтказилади:

“Пакана худди ҳеч нима бўлмагандай”. мийиғида кўлиб турарди (“Муштум”).

“Тантанали мажлис залада “аъло”, “яхши” қатор ўтирди. Ўқиш якунини директор оналарга уқдирди” (С.Ж.)

3) Бўлакнинг бутунга ёки бутуннинг бўлакка муносабатига мисол қилиб, |қуйидагиларни келтириш мумкин:

Николай замонида *остонам туёқ кўрмаган* (О.).

4) Маълум нарса билан унинг номи ўртасидаги муносабат асосида метонимиянинг яна бир тури вужудга келади:

“Мажлисга бутун қишлоқ, келди”. *“Аудитория кулди”.*

Келтирилган мисолдаги *“қишлоқ,”* сўзи қишлоқда яшовчи аҳоли маъносини ифодалаган; *“аудитория”* сўзи эса (йиғилишга), маърузага келган талабаларни билдиради.

5) Баъзан эса муаллифнинг исми унинг асари ўрнида қўлланилади.

Фузулийни олдим кўлимга,

Мажнун бўлиб йиғлаб қичқирдим (Ҳ.О.)

- *“Баъзан Шекспирни тушуниш қийин”.*

- Навоий *“Қуш тили”* устида тўлғин завқ билан ишлади (О.).

Бу тасниф чекланган эмас, уни давом эттириш мумкин, чунки метонимиянинг бошқа турлари мавжуд.

Метонимиянинг истиорадан етарлича фаркланиб туришини билмок. лозим. Биринчидан, истиорани доим ўхшатиш ёрдамида ўзгартириб ифодалашимиз мумкин, метонимия билан эса бундай қилиб бўлмайди. Бундан ташқари, кўпинча метонимия табиатини очиш, тушуниб етиш учун маълум бир матн зарур, истиора учун эса маълум бир матннинг бўлиши шарт эмас. Эскирган, одатий қўлланувчи метонимияларни тушунишда матн керак бўлмайди. Қуйидаги мисоллардан буни кўриш мумкин:⁶

Қўшиқ куйлар қизалок,

Тинглар уни дала, боғ.

Мени энг оғир ишга қўйинг, илтимос қиламан.

Эл қатори ишлаб *тер тўкай* (С.А.).

Эскирган метонимияларнинг кўпчилиги фразеологиядан жой олган.

Метонимия худди истиора сингари воқелик далилларини образли ифода этиш мақсадида қўлланилади. У муаллиф баён этилаётган воқеликка қаратилган мулоҳазаларини очиб бериши мумкин. Бирор нарса ёки ходисанинг бўрттирилган, умумлаштирилган бир хусусияти, шу нарса бошқа нарса билан таққослаган вақтда, ўша бошқа нарса ҳақида ҳам маълумот беради.

Фикримиз исботи учун қуйида биз ўзбек, инглиз ва рус тилларидаги мисолларга тўхталиб ўтамыз:

The school came to Bledyards as to a festival or orgy, in the highest of spirits. (I. M.)

The school was already trooping into the gym. (I. M.)

I notice that most of old river hands are similarly retiring, whenever there is any stuff pulling to be done. You can always tell the old river hand by the way he stretches himself out upon cushions at the bottom of the boat. (J. K. J.)

... heads muttering, whispering, heads full of eyes that watched Ralph. (W. G.)

I am not a good fisherman myself. I devoted a considerable amount of attention to the subject at one time, and was getting one, as I thought, fairly well; but the old hands told me that I should never be any real good at it. (J. K.J.)

Two striped pyjamas turned irritably as he put on his small light. (D. S)

I took a good look at this man accompanying Kathleen. It was her husband. The beard was unfamiliar, but I recognized beneath it his enormous mouth, the bright sensuous lips, the large brown eyes forever brimming with pathos. (M. S.)

Боши мни силашга бир меҳрибон қўл, бир оғиз ширин сўз нондек арзанда. (F.F.)

⁶ Бобоев Т. Абабиётшунослик асослари Т 1996й

Икки кўз бир зумда тўқнашди ва тезда узоқлашди.

Ёрмат бошини кўтарди, бир қўлини орқага тираб ёнбошлади-да, чойдан бир икки хўплаб сўзга киришди. (О.)

Ҳар томонда баҳордан нишон, Далалардан чопар Зарафшон, (Х.О.)

Юракларда, кўзларда баҳор, Ерда, кўкда баҳор юради. (З.)

Ҳар адабсизга адаб, фикр ила дониш ўргатиб, Эл ичида обрўсин хўб расо қилди қалам. (Х.Х.)

Но, скушайже ещё тарелочку, мой милый. (Крылов)

А в двери-бушлатый, шинели, тулупы. (Маяковский)

И слышно было до рассвета, как ликовал француз. (Лермантов)

Мы всё гладим в Наполеоны. (Пушкин)

Шу ерда ишимизнинг биринчи бобига яқун ясамоқчимиз. Биз бу бобда лексик стилистик воситалар ҳақида фикр юритдик. Уларни инглиз, рус ва ўзбек тилларидаги мисоллар орқали ифодаладик.⁷

Ишимизни иккинчи бобида ирония лексик стилистик қўлланишини кўриб ўтамыз.

⁷ К. Мирзаев Инглиз тили стилистикаси фанидан методик қўлланма Т2005

II. боб Ирония лексик стилистик восита сифатида

Киноя. Бу стилистик усулда — асосий-мантикий ва матний маънолар орасидаги муносабат қарама-қаршиликка, зидликка асосланган бўлади. Бу икки маъно бир-бирини истисно қилиб келади.

Масалан:

Мана шунинг учун қўпчилик японлар бундай "ёқимли" таассуротлардан кўра, ишлаш минг марта афзал дейдилар. (Рузномадан)

Бу гапдаги "ёқимли" сўз ўзининг асосий-мантикий маъносига қарама-қарши маънода ишилатилган. Бу сўзнинг асосий маъноси матний маъно томонидан бартараф этилмайди, балки унинг билан очиқ қарама-қарши муносабатда бўлганлиги туфайли услуб хусусиятини ҳосил қилади.

Қуйда биз инглиз, ўзбек ва рус тилларидаги мисолларни кўриб ўтамиз.

"Never mind," said the stranger, cutting the address very short, "said enough — no more; smart chap that cabman — handled his fives well; but if I'd been your friend in the green jemmy — damn me — punch his head — 'cod I would — pig's whisper — pieman too, — no gammon."

"This coherent speech was interrupted by the entrance of the Rochester coachman, to announce that ..."

XLVII.

I like a parliamentary debate, Particularly when 'tis not too late.

XLVIII.

I like the taxes, when they're not too many; I like a seacoal fire, when not too dear;

I like a beef steak, too, as well as any;

Have no objection to a pot of beer; I like the weather, when it is not rainy,

That is, I like two months of every year. And so God save the Regent, Church, and King! Which means that I like all and everything.

"How nice to cheat your own mother."

"It must be delightful to find oneself in a foreign country without a penny in one's pocket.

"How clever of you!"

Навойй. Қўқма! (Узукни олиб томоша қилади.) Қиммат-баҳо узук. Катта хизматлар эвазига муқофот олиб берса арзийдиган узук. Ма!

Хусаин. Кошки, бошқа амирлар ҳам авомнинг тилини билса? Кошки ўзгаларни гийбат қилувчилар ўз нуқсонларини ҳам билсалар! (Мажидиддинга киноя.)

Хусаин. Алишер, мен хасинанинг аҳволидан беҳабар, сизга пул ваъда

қилган эканман.

Навоий. *Мен шоимнинг вадалари чин ва мўтабар деб ишонган эдим.*

Хусаин. *Мавлоно Мажидиддиннинг айтишига кўра, хазинада ақалли икки туман ҳам ақча қ олмабдур.*

Навоий. *Мавлоно Мажидиддин айтган бўлсалар ишонмоқ керак, чунки мавлоно ҳар нарсадан хабардор.*

Мажидиддин. *Шоҳим тўғи айтадилар... Хўш... хазинанинг аҳволи оғир, харажатлар кўп.*

Навоий. *Сўзларингизга ишонмоқ керак.*

Мажидиддин (асабийлашади.) *У ҳолда кинояларингизнинг маъноси нима!* (Уйғун, И. Султон. Алишер Навоий драмаси.)

Рус тилида мисоллар келтирамиз: *Отколеб умная бредишь тыб голова.* (Крылов). (В обращении к ослу).

Кинояни юмор ва сарказм билан адаштириб юбормаслик керак. Юмор доим кулгили бўлади ва рухий ҳодиса ҳисобланади. Киноянинг кулгу туғдириши, кулгили бўлиши шарт эмас. Масалан, "ажойиб" деган сўз "жуда ҳам яхши, таърифга сиғмайдиган" маъноларига эга. Лекин "ажойиб ҳаво" деган сўз бирикмасини ёмғир ёғиб турган пайтда, махсус оҳанг билан айтилса, "ажойиб" сўзи қарама-қарши маънога эга бўлиши ажаб эмас. У "ёмон" сўзига синоним бўлиб келиши мумкин. Кинояда аччиғланиш, қоникмаслик, ачиниш, туйғулари ифодаланади.

Шу ўрнида биз инглиз ёзувчилари асарларида кўлланилган иронияларда мисоллар келтириб ўтамыз.

1. The book was entitled Murder at Milbury Manor and was a whodunit of the more abstruse type, in which everything turns on whether a certain character, by catching the three-forty-three train at Milbury and changing into the four-sixteen at Milbury, could have reached Silbury by five-twenty-seven, which would have given him just time to disguise himself and be sticking knives into people at Bilbury by six-thirty- eight." (P. G. W.)

2. When the war broke out she took down the signed photograph of the Kaiser and, with some solemnity, hung it in the men-servants' lavatory; it was her one combative action. (E. W.)

3. "I had a plot, a scheme, a little quiet piece of enjoyment afoot, of which the very cream and essence was that this old man and grandchild should be as poor as frozen rats," and Mr. Brass revealed the whole story, making himself out to be rather a saint like holy character. (D.)

4. The lift held two people and rose slowly, groaning with diffidence. (I. M.)

5. *England has been in a dreadful state for some weeks. Lord Coodle would go out, Sir Thomas Doodle wouldn't come in, and there being nobody in Great Britain (to speak of) except Coodle and Doodle, there has been no Government. (D.)*

6. *From her earliest infancy Gertrude was brought up by her aunt. Her aunt had carefully instructed her to Christian principles. She had also taught her Mohammedanism, to make sure. (L.)*

7. *"She's a charming middle-aged lady with a face like a bucket of mud and if she has washed her hair since Coolidge's second term, I'll eat my spare tire, rim and all." (R. Ch.)*

8. *With all the expressiveness of a stone Welsh stared at him another twenty seconds apparently hoping to see him gag. (R. Ch.)*

9. *"Well. It's shaping up into a lovely evening, isn't it?"*

"Great," he said.

"And if I may say so, you're doing everything to make it harder, you little sweet." (D. P.)

10. *Mr. Vholes is a very respectable man. He has not it large business, but he is a very respectable man. He is allowed by the greater attorneys to be a most respectable man. He never misses a chance in his practice which is mark of respectability, he never takes any pleasure, which is another mark of respectability, he is reserved and serious which is another mark of respectability. His digestion is impaired which is highly respectable. (D.)*

11. *Several months ago a magazine named Playboy which concentrates editorially on girls, books, girls, art, girls, music, fashion, girls and girls, published an article about old-time science-fiction. (M. St.)*

12. *Apart from splits based on politics, racial, religious and ethnic backgrounds and specific personality differences, we're just one cohesive team. (D. U.)*

13. *A local busybody, unable to contain her curiosity any longer, asked an expectant mother point-blank whether she was going to have a baby. "Oh, goodness, no," the young woman said pleasantly. "I'm just carrying this for a friend." (P. G. W.)*

14. *Sonny Grosso was a worrier who looked for and frequently managed to find, the dark side of most situations. (P. M.)*

15. *Bookcases covering one wall boasted a half-shelf of literature. (T. C.)*

16. *I had been admitted as a partner in the firm of Andrews and Bishop, and throughout 1927 and 1928 I enriched myself and the firm at the rate of perhaps forty dollars a month. (Jn. B.)*

17. *Last time it was a nice, simple, European-style war. (I. Sh.)*

18. *He could walk and run, was full of exact knowledge about God, and entertained no doubt concerning the special partiality of a minor deity called Jesus towards himself. (A. B.)*

19. *But every Englishman is born with a certain miraculous power that makes him master of the world. As the great champion of freedom and national independence he conquers and annexes half the world and calls it Colonization. (B. Sh.)*

20. *All this blood and fire business tonight was probably part of the graft to get the Socialists chucked out and leave honest business men safe to make their fortunes out of murder. (L. Ch.)*

Киноянинг асосий вазифаси маълум қилинган нарса ва ҳодисаларга нисбатан маълум муносабат туғдиришдир, чунки кулгили нарса ўринсиз кутиш, ижобий ва салбий нарсаларнинг айрим тўқнашуви натижасидир. Масалан,

"Ҳали уйга келсанг, бошингни силаб, қўяман".

Маълум бир вазиятни кўз олдимизга келтирсак, "бошингни силаб қўяман" сўз бирикмаси қарама-қарши маънода ишлатилганлигини кўришимиз мумкин.

"Имтиҳонга жуда *"яхши"* тайёрланиб келибсиз, кизим, баҳонгиз *"икки"* — деди ўқитувчи.

Бу гапда *"яхши"* сўзи ўзининг асосий маъносига қарама-қарши маънода ишлатилганлиги кўриниб турибди.

Кўйидаги мисолда ҳам шуни яққол кўришимиз мумкин:

— "Карим қаерда?" — *"Жаноблари* китоб ўқияптилар" деб жавоб берди унинг синглиси.

Бу гапда *"жаноблари"* деган сўз ўзининг асосий луғавий маъносида ишлатилмасдан балки кўчма маънода ишлатилган. *"Жаноб"* сўзи инқилобдан илгари даврларда амалдор ва унвони юқори кишиларни улуғлаш шакли бўлиб ишлатилган. Ҳозир ҳам чет давлатларда улуғ шахслар исми ёки мансабига кўшиб ишлатиладиган сўз. Албатта, бу матндан кўриниб турибдики, бу ўринда Карим оддий мактаб ўқувчиси...

Ўзбек тилида баъзан киноя морфологик шакллар ёрдами билан ифодаланади.

Масалан, кўплик маъноси морфологик йўл билан ифодаланади: *Сабоҳат хонага синчков кўз югуртираркан, нимадандир хурсанд бўлгандай оғзини таноби қочиб, истеҳзо билан илжаярди.*

— *Нега ақалли қизларингизни йўқлаб бормайсиз, десам туришларингиз шоҳона экан-да, — деди ниҳоят кесатиқ билан" (Т.П.).*

Инглиз тилидаги мисоллар.

But every Englishman is born with a certain miraculous power that makes him master of the world.

... As the great champion of freedom and national independence he conquers and annexes half the world and calls it Colonization. (B. Sh.)

All this blood and fire business tonight was probably part of the graft to get the Socialists chucked out and leave honest business men safe to make their fortunes out of murder. (L. Ch.)

England has been in a dreadful state for some weeks. Lord Coodle would go out, Sir Thomas Doodle wouldn't come in, and there being nobody in Great Britain (to speak of) except Coodle and Doodle, there has been no Government. (D.)

It was at their- beautiful country place in W. that we had the pleasure of interviewing the Afterthought. At their own cordial invitation, we had walked over from the nearest railway station, a distance of some fourteen miles. Indeed, as soon as they heard of our intention they invited us to walk. "We are so sorry not to bring you in the motor," they wrote, "but the roads are so frightfully dusty that we might get dust on our chauffeur." That little touch of thoughtfulness is the keynote of their character. (L.)

But George only lasted his mother as a source of posthumous excitement for about two months. Just as the quarrel with Elizabeth reached stupendous heights of vulgar invective (on her side), old Winterbourne got himself run over. So there was the excitement of the inquest and a real funeral, and widow's weeds and more tear-blotched letters. She even sent a tear-blotched letter to Elizabeth, which I saw, saying that 'twenty years'—it was really almost thirty — 'of happy married life were over, both father and son were now happily united, and, whatever Mr. Winterbourne's faults, he was a gentleman! (Heavily underlined and followed by several exclamation marks, the insinuation being apparently that Elizabeth was no lady.)

A month later Mrs. Winterbourne married the sheik— alas! no sheik now—at a London registry office, whence they departed to Australia to live a clean sportin' life. Peace be with them both—they were too clean and sportin' for a corrupt and unclean Europe. (A.)

Юкорида келтирилган мисоллардан кўриниб турибдики, киноянинг вазифаси тескари тушунчани ифодалашдир. Шунинг учун ҳам кинояда ижобий тушунчаларни ифодаловчи сўзлар қўлланилади. Киноя кўпинча матнда ёрқин сезилади.

Бу стилистик усулнинг тезда англаб олинишида интонация, товуш оҳангининг аҳамияти катта. Ёзма нутқда киноя турли ифодалаш воситалари орқали ажратиб кўрсатилади.

Ирония инглиз ва ўзбек ёзувчилари асарларида куйдагича усталик билан фойдаланилган:

In a moment he (Lord Arthur) had seized Mr. Ridges by the legs, and flung him in to the Thames ... "Have you dropped anything, sir?" said a voice behind him suddenly, (O. W.)

It is this very silence that makes the verse all the more eloquent. (K.)

Only in this last work does the author show what he might have done, had he used his genius rightly. (K.)

He entered the hall without ringing, and was greeted by miss Handforth who" told him, "His Lordship is in the library". (I. M.)

He spoke throughout with total solemnity, and with the slow deliberation on the announcing a declaration of war or the death of royalty. (I. M)

They plonked you out there in mud ... and your job was to be killed if the enemy attacked. You weren't allowed to retreat, ... A very pleasant prospect, a most jolly look out. (R. S.)

This naturally led to some pleasant chat about sciatica, fevers, chills, lung diseases ... and bronchitis. (J. K. J.)

1. Унинг оғзидан бол томарди.

2. Кимдир у кишини порахўрликда айблади. Билмадим, нимага асосланиб. Шахсан мен пора бермаганман. Ишга келган кунлари у кишини устоз билиб импортни кастум-шим совга қилганман. Дам олишга кетганларида у-бу нарса жўнатиб турганман (И.З.).

3. Хуш, сизга нима керак, ўқимишли акам? (О.)

Шу билан бирга биз қуйида интернетдан олинган мисолларни келтириб ўтамыз.

This naturally led to some pleasant chat about sciatica, fevers, chills, lung diseases ... and bronchitis. (J. K. J.)

"Today was a very cold and bitter day, as cold and bitter as a cup of hot chocolate, if the cup of hot chocolate had vinegar added to it and were placed in a refrigerator for several hours."

"The day was as normal as a group of seals with wings riding around on unicycles, assuming that you lived someplace where that was very normal."

a woman reports to her friend that rather than going to a medical doctor to treat her cancer, she has decided to see a spiritual healer instead. In response her friend says sarcastically, "Oh, brilliant, what an ingenious idea, that's really going to cure you."

In City Lights the audience knows that Charlie Chaplin's character is not a millionaire, but the blind flower girl (Virginia Cherrill) believes him to be rich.

In North by Northwest, the audience knows that Roger Thornhill (Cary Grant) is not Kaplan; Vandamm (James Mason) and his accomplices do not. The audience also knows that Kaplan is a fictitious agent invented by the CIA; Roger (initially) and Vandamm (throughout) do not.

In Oedipus the King, the reader knows that Oedipus himself is the murderer that he is seeking; Oedipus, Creon and Jocasta do not.

In Othello, the audience knows that Desdemona has been faithful to Othello, but Othello does not. The audience also knows that Iago is scheming to bring about Othello's downfall, a fact hidden from Othello, Desdemona, Cassio and Roderigo.

In The Cask of Amontillado, the reader knows that Montresor is planning on murdering Fortunato, while Fortunato believes they are friends.

In The Truman Show, the viewer is aware that Truman is on a television show, but Truman himself only gradually learns this.

In Romeo and Juliet, the other characters in the cast think Juliet is dead, but the audience knows she only took a sleeping potion.

In Forrest Gump, the audience knows the historical significance of the characters and scenarios Forrest Gump finds himself in, but he often does not.

When John Hinckley attempted to assassinate Ronald Reagan, all of his shots initially missed the President; however, a bullet ricocheted off the bullet-proof Presidential limousine and struck Reagan in the chest. Thus, a vehicle made to protect the President from gunfire was partially responsible for his being shot.

The Wonderful Wizard of Oz is a story whose plot revolves around irony. Dorothy travels to a wizard and fulfills his challenging demands to go home, before discovering she had the ability to go back home all the time. The Scarecrow longs for intelligence, only to discover he is already a genius, and the Tin Woodsman longs to be capable of love, only to discover he already has a heart. The Lion, who at first appears to be a whimpering coward, turns out to be bold and fearless. The people in Emerald City believed the Wizard to be a powerful deity, only to discover that he is a bumbling, eccentric old man with no special powers at all.

